



НАТИЖАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН БЮДЖЕТЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Примова Нигора
Икром қизи**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Молия ва молиявий технологиялар
кафедраси доценти в.в.б.,
PhD., Тошкент. Ўзбекистон.
n.primova@tsue.uz
ORCID:0000-0003-1423-1013*

Annotatsiya

Ушбу мақолада натижага йўналтирилган бюджетлаштириш концепциясининг самарадорлик ва натижадорлигининг миқдорий ҳамда сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича ўрганишлар олиб борилган. Бу борадаги хорижлик иқтисодчиларнинг илмий қарашлари таҳлил қилинган. Шунингдек, натижага йўналтирилган бюджетлаштиришни амалга оширишни таҳлил қилиш учун асос бўладиган омиллар аниқланган.

Kalit so'zlar:

Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш, бюджетни режалаштириш, натижадорлик, ҳисоботдорлик, дастурлаш, даромадлар, харажатлар, мақсадли дастурлар, самарадорлик, унумдорлик, ресурслар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони, 46-мақсадида “Фискал барқарорликни таъминлаш ва давлат мажбуриятларини самарали бошқариш” белгиланган. Ушбу мақсадга эришиш учун 5 та самарадорлик кўрсаткичларидан бири 2030 йилгача “Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш” амалиётига тўлиқ ўтиш кўзда тутилган [1].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясининг асосий мақсадларидан бири бу ўрта муддатли бюджет асосларини ишлаб чиқиш ҳамда йиллик бюджетни шакллантиришнинг янги “натижага йўналтирилган бюджет” (Дастурий бюджетлаштириш) тизимини жорий этиш деб таъкидланган [2].

“Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш” (кейинги ўринларда НЙБ деб юритилади) атамасининг келиб чиқиши узоқ тарихга эга. Шу билан бирга, унинг муаллифлигини аниқлаш қийин кўринади [3]. Масалан, ресурсларни унумли ва натижадор дастурларга нисбатан тақсимлаш концепцияси XX аср бошида пайдо бўлган Бироқ, маълумки, НЙБ умумий ғояси биринчи марта Қўшма Штатларда пайдо бўлиб, у ерда Буюк Депрессиядан кейин, шунингдек, Иккинчи Жаҳон урушидан кейин ҳукуматнинг янгиланиши билан боғлиқ ҳолда ривожланиш учун

янги туртки олди, яъни кутилаётган натижалар билан маблағларни сарфлаш тўғрисидаги қарорларга тузатувчи ўзгартиришлар киритишга уриниш сифатида намоён бўлди. Бу жараён “натижага йўналтирилган бюджетлаштириш” ёки рус тилидаги адабиётларда тез-тез учрайдиган “ дастурий-мақсадли” бюджетлаштиришдир.

Юқоридагиларга асосланиб ва турли хил тушунчаларни ҳисобга олган ҳолда, биз НЙБнинг ўз таърифини таклиф қилишга ҳаракат қиламиз. Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш - бу стратегик режалаштириш, бюджетлаштириш, якуний натижаларни баҳолаш, шунингдек, бюджет тизимларининг самарали фаолият кўрсатиш амалиётини баҳолаш ва таққослашни ўзида мужассам этган натижага йўналтирилган тизимдир, бу эса бюджет маблағларининг белгиланган тартибда тақсимланишини давлат сиёсатининг мақсад ва устувор йўналишларига мослигини таъминлайди [7].

Сўнгги йилларда НЙБ элементларининг асосий таркибий қисмларини гуруҳлаш бўйича кўплаб илмий ишлар нашр этилди [8, 9, 10, 11]. Шу билан бирга, бу ерда иккита қарама-қарши ёндошувни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчисига кўра (*Research Report of Legislative Commission*)да келтирилган тадқиқот [12], НЙБнинг асосий таркибий қисмлари: мақсадлар; самарадорлигини аниқловчи кўрсаткичлар; кўрсаткичлар ва ҳисоботларнинг мувофиқлиги. Иккинчи (Segal ва Summers) [13] га кўра, бу ерда фарқлаш керак: натижа (якуний натижа); стратегия (якуний натижага эришишнинг турли усуллари); тадбирлар/чиқиш (аслида якуний натижага эришиш учун амалга оширилади).

Иккинчи позиция билан ифодаланган НЙБ элементларининг таснифи шуҳбалидир, чунки “натижа” ҳам, “фаолият/чиқиш” ҳам асли самарадорликни аниқлаш кўрсаткичлари сифатида таснифланиши мумкин.

НЙБ концепциясининг энг муҳим ва айни пайтда энг қийин жиҳатларидан бири самарадорлик ва натижадорликнинг миқдорий ҳамда сифат кўрсаткичларини танлаш бўлиб қолмоқда. Шунинг учун биз бюджет харажатлари самарадорлиги кўрсаткичларининг асосий аҳамияти ҳақида гапирадиган бўлсак, бу шуни англатадики, бу кўрсаткичлар мақсадларга эришиш, шунингдек, дастурларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш учун асос бўлиши керак. Кўрсаткичларни нотўғри танлаш, хусусан, мутахассислар учун тушунарсиз бўлган кўрсаткичлар ёки кўрсаткичларни муваффақиясиз шакллантириш ва улардан кейин фойдаланиш самарасиз бошқарув қарорларига олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, якуний натижага йўналтирилганликни ва демак, бюджет харажатлари самарадорлигини акс этирувчи кўрсаткичларни танлашнинг асосий параметрларини кўриб чиқиш мумкин:

- дастурни бажариш ёки хизмат кўрсатишнинг мақсад ва вазифалари билан боғлиқлиги;
- мунтазам равишда олинган ишончли ахборотдан асос сифатида фойдаланиш;
- индикаторнинг ўзига хослиги, у бошқа кўрсаткичларни такрорламаслиги;
- фойдаланувчиларнинг кенг доираси учун фойдаланиш имконияти;
- кўрсаткичларнинг рақамли қийматларининг ҳақиқийлиги;
- ҳисоблаш, таҳлил қилиш ва ҳисоботларда фойдаланиш қулайлиги.



* Чиқариш (маҳсулот) тушунчаси хизматлар сифатини ҳам англатиши мумкин, масалан, уларнинг мавжудлиги, ўз вақтидалиги, мижозларни қондириш даражаси ва бошқалар. (яъни, кўпинча натижалар сифатида нотўғри таснифланадиган хусусиятлар).

Бюджет харажатлари натижадорлигини акс эттирувчи самарадорликни ўлчаш кўрсаткичларини танлашнинг мураккаблиги, афтидан, жаҳон амалиётида, “чиқариш” (*output*) ва “натижа” (*outcome*) каби атамаларнинг изчил, аниқ тушунилмаганлиги билан боғлиқ. Ўзбекистон шароитида улар “тўғридан-тўғри натижа” ва “ижтимоий натижа” деб талкин қилинади. Худди шу нарса маълум бир давлат хизматлари соҳасида фойдаланиш учун тавсия этилган кўрсаткичларнинг умумий тўпламига ҳам тегишлидир.

Юқорида НЙБнинг асосий элементлари ва улардаги самарадорликнинг ўрни (1-расмга қаранг), шунингдек, қўйида натижага йўналтирилган

бюджетлаштиришни “шакллантириш” мантиғи (2-расмга қаранг) ҳақидаги муаллиф қарашларининг схематик тақдимои келтирилган.

Анъанавий бюджет билан таққослаганда, НЙБ маълум даражадаги молиялаштириш билан эришиш керак бўлган мақсадларни кўрсатишдан ташқари, қуйидагилар ўртасидаги муносабатларни кузатиб боради: дастурларга мувофиқ сарфланган маблағлар; дастурлар доирасида амалга ошириладиган тадбирлар; дастурларни амалга ошириш жараёнида кўрсатиладиган хизматлар ва якуний натижалар.



2-расм. НЙБ шакллантиришнинг мантиқий занжири

Бошқача қилиб айтганда, НЙБ мантиғини кетма-кетликда кўрсатиш мумкин: муассаса якуний натижаларга эришишга олиб келадиган маҳсулотни олиш учун зарур бўлган фаолиятни амалга ошириш учун етарли бўлган ресурслар тўғрисида қарор қабул қилади. Шунини таъкидлаш лозимки, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш бюджетлаштиришнинг анъанавий жиҳатларига самарадорлик омилини “жалб” қилади ва шу билан самарадорлик ва ҳақиқий самарадорлик ёки натижадорликни фарқлаш имконини беради. Самарадорлик жалб қилинган ресурсларни фойдали ишлатишни, натижадорлик эса унумдорликни англатади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқоридаги фикрлар бюджет маблағларини самарали сарфлаш вазифасини янада долзарб аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Бу айниқса ҳар бир мамлакат ўзининг миллий хусусиятларига, маданиятига, устуворликларига, давлатнинг фискал барқарорлиги даражасига ва бошқаларга мос келадиган НЙБ моделини амалга оширишда жуда муҳимдир. Шу нуқтаи-назардан НЙБ тўғрисидаги турли илмий қарашларнинг мавжудлиги камчилик эмас, балки афзаллик сифатида қаралиши зарур. Чунки, бу ўз навбатида услубий базани ишлаб чиқиш учун манба бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://lex.uz/docs/4966572>
2. <https://lex.uz/docs/4966572>
3. Moscher Frederik C. American Public Administration. Past, Present, Future. Seventh Printing. Copyright 1975 by The The Maksvell School of Citizenship and Public Affairs and the National Association of Schools of Public Affairs and Administration. 1994. R. 291).
7. Примова Н. Ўзбекистонда натижага йўналтирилган бюджетлаштириш механизмини ривожлантириш. // “Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot” илмий-электрон журнали. 2024 й. №4-сон.
8. Friedman M. A guide to developing and using performance measures in results-based budgeting. Baltimore, MD: The Finance Project. 1997. P. 1–34.
9. Hager G. and Hobson A. Performance-based Budgeting: Concepts and Examples. Research Report No. 302. Legislative Research Commission. 2001. P. 3–69.
10. Young Richard D. Performance-Based Budget Systems. USC Institute for Public Service and Policy Research – Public Policy & Practice, 2003 (11). P. 12–24.
11. OECD. Issues in Output Measurement for «Government in Glance». Issues in Output Measurement for «Government in Glanc». OECD GOV Technical Paper 3. OECD project on Management in Government. GOV/PGC. 2006. 10/ANN2. Paris.
12. Performance-based Budgeting: Concepts and Examples. Research Report No. 302. Prepared by G. Hager and A. Hobson. Legislative Research Commission, 2001. P. 3–69.
13. Segal A. and Summers A. Citizens' Budget Reports: Improving Performance and Accoun-tability in Government. Reason Public Policy Institute, Policy Study No. 292. 2002. P. 1–48.
14. Robinson M. and Brumby J. Does Performance Budgeting Work? An Analytical Review of the Empirical Literature. IMF Working Paper, International Monetary Fund. 2005. P. 3–75.
15. Yusupov, N. S., Qosimjon o'g'li, S. A., & Akramjon o'g'li, A. A. (2024). INVESTITION LOYIHALARNI MUVAFFAQIYATLI AMALGA OSHIRISHDA ZAMONAVIY BOSHQARUV DAN SAMARALI FOYDALANISH YO'LLARI. *Journal of new century innovations*, 54(2), 106-109.
16. Saidturaevich, Y. N. M. (2024). The Effect of Organizing Tourism Activities in Villages on the Expansion of Tourism Networks in Our Country. *TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI*, 4(5), 204-207.